

**“ЯНГИБОЗОР ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Хоразм вилояти, Янгибозор тумани,  
Ал-Беруний кўчаси, 1-уй

2018 йил 06 июль

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Ал-Беруний, 1-уйда “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 127 884.

“Янгибозор пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2018 йил 11 июндаги 01/165-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2018 йил 14 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилиши белгиланган эди, кворум бўлмаганлиги сабабли йиғилиш 2018 йил 6 июлда такроран ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2018 йил 22 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К. Хусаинова йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Ғоипов Қўзибой Қадамбаевич – “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи;
2. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна – жамият кузатув кенгаши аъзоси;
3. Ахманов Одилбек Тажибаевич – жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси О. Ахманов малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси в.в.б. Қ. Ғоиповни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи У. Саидаматовни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Қ. Ғоипов ва йиғилиш котиби этиб У. Саидаматов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У. Саидаматовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2018 йил 22 июнь ҳолатига шакллантирилган “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 567 та

акциядорга тегишли 127 884 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 82 947 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 27 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 64,9 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Б. Сапаниязов—жамият бош директори;

Н. Отабаев—жамият тафтиш комиссияси раиси;

С. Холмуродов—жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Х. Ибрагимов- “УНУ Tashkent” LLC аудиторлик ташкилоти аудитори;

Б. Авезов-“Назорат аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2017 йиллик ҳисоботини ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш.
9. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
14. Жамиятнинг эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.





15. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.

17. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

18. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

19. Жамиятни узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

20. Жамият томонидан “YANGIBOZOR TUMANI AGROMONITORING MARKAZI”МЧЖга киритилган таъсис улушларидаги ўзгаришларни маъқуллаш.

21. Жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатига олиб бориш.

22. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2018 йил 14 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – У. Саидаматов, ҳуқуқшунос маслаҳатчи – У. Ахманова, иш ҳақи ҳисобчиси – Д. Атаниязова номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бегарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) У. Саидаматов;**
- 2) У. Ахманова;**
- 3) Д. Атаниязова.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 22 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият Бош директори Б. Сапаниязов сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор Б. Сапаниязовга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан бош директорнинг 2017 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:





**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти кониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** жамият кузатув кенгаши аъзоси К. Хусайнова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Бундан сўнг, Қ. Ғоипов ижроия органи раҳбари Сапаниязов Бахтияр Хўжамуротович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтириш масаласини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар”– йўқ ; “Қаршилар”- 82 947 та овоз ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти бош директори Сапаниязов Бахтияр Хўжамуротовичнинг ваколати мазкур акциядорлар**



умумий йиғилишдан кейин ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисига ча узайтирилсин.

2. Мазкур умумий йиғилишдан кейин ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисида "Хоразм минтақавий пахта терминали" МЧЖнинг тавсия хати инobatга олинган ҳолда, жамият ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш ёки узайтирмаслик масаласи кўриб чиқилсин.

3. Жамият бош директори Б. Сапаниязов мазкур йиғилиш баённомасининг ушбу масала бўйича кўчирмани ўн кун муддат ичида "Хоразм минтақавий пахта терминали" МЧЖга етказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича "UNY Tashkent" LLC аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Ибрагимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2018 йил 31 мартдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг, "Назорат аудит" МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Авезов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2018 йил 29 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

"UNY Tashkent" LLC ва "Назорат аудит" МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида "Янгибозор пахта тозалаш" АЖнинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича "UNY Tashkent" LLC аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 31 мартдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва "Назорат аудит" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 29 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 82 947 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. "UNY Tashkent" LLC аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 31 мартдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва "Назорат аудит" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 29 майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.





**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** жамият молиявий масалалар бўйича директори С. Холмуродовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (йиллик ҳисобот ва бизнес-режа илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан жамиятнинг 2017 йиллик ҳисоботини ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

- 1. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.**
- 2. Жамиятнинг 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Н. Отабаевга сўз берди.

Н. Отабаев жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

- 1. Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзни жамиятнинг Бош директори Б. Сапаниязовга берди.

Жамият Бош директори Б. Сапаниязов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорида пахта тозалаш корхоналари томонидан 2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланадиган дивидендларни капиталлаштириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 623 434 500 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз – 93 515 175 сўм миқдориде тузилади ва 2018 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 93 515 300 сўм, яъни устав капиталнинг 15,0 фоизини ташкил этади.

Жамият бухгалтерия баланси маълумотларига кўра эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинандиган маблағ 348 281 200 сўмни ташкил этади.

Амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда 10% дивиденд солиғи тўланади ва жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан бир баробарга кўпайтириш учун 692 705 000 сўм маблағ талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорини, устав капиталда жамият захира фонди шаклланмаганлигини ва эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинандиган маблағ мавжудлигини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича 584 571 000 сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилади:

- захира фонди тўлиқ яъни 15% миқдориде шаклланганлиги сабабли соф фойдадан тақсимланмайди;

- уставга кўра 2017 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдориде (акциянинг номинал қиймати 4875 сўм \* 15 % = 731,25 сўмдан \* 3048 дона) жами 2 228 850 сўм ёки соф фойданинг 0,38 фоизини жамият томонидан чиқарилган 3048 дона имтиёзли акциялардан дивиденд тўловига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 58,92 фоизи, яъни 344 423 800 сўм жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 40,70 фоизи, яъни 237 918 350 сўм Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон



Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 237 918 350 сўм маблағ жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойда тақсимоотида инобатга олинсин.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” 295 585 та овоз; “Қаршнлар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган – 584 571 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:**

- 2 228 850 сўм (*1 дона имтиёзли акцияга 731,25 сўм*) ёки соф фойданинг 0,38 фоизи жамиятнинг имтиёзли акциялари учун дивиденд тўловига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 58,92 фоизи, яъни 344 423 800 сўм жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 40,70 фоизи, яъни 237 918 350 сўм Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 237 918 350 сўм маблағ жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойда тақсимоотида инобатга олинсин.

**2. Эски йилларнинг соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинган 348 281 200 сўм маблағ ва 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдадан жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилган 344 423 800 сўм жами 692 705 000 сўм маблағ (дивиденд солиғи билан) қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилсин. Жумладан:**

- дивиденд солиғига – 69 270 500 сўм;

- жамият устав фондини кўпайтиришга – 623 434 500 сўм.

**3. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.**

**Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 06 июль 2018 йил.**



**Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси:**

**03 сентябрь 2018 йил.**

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

**3. Жамият кузатув кенгаши қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда тасдиқласин.**

**4. Жамият ижроия органи раҳбари қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 65 220 дона акция эгаси “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ ва 15 690 дона акция эгаси акциядор Алламова Диляра Юлдашевна томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Мусаходжаев Ориф Шухратович – “Ўзпахтасаноат” АЖ мутахассиси, Нигманова Шахноза Абдуллаевна – “Ўзпахтасаноат” АЖ мутахассиси, Бойкулов Эгамберди Мусурмонкулович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бўлим бошлиғи, Наимов Фуркат Рискулович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бўлим бошлиғи, Хусаинова Кундузхон Равшонбековна – “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иктисодчиси, Мусокулов Рустам Комилович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси, Хакимов Шахруз Шухратович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси, Ахманов Одилбек Тажибаевич – “Вилоят Давуруғназорат маркази” бошлиғи, Алламова Диляра Юлдашевна – “А Камолиддин А” Фермер хўжалиги раҳбари номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

Мусаходжаев Ориф Шухратовичга:

“Ёқлаганлар” – 76 090та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нигманова Шахноза Абдуллаевнага:

“Ёқлаганлар” – 76 090 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Бойкулов Эгамберди Мусурмонкуловичга:

“Ёқлаганлар” – 76 090 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Наимов Фуркат Рискуловичга:





“Ёқлаганлар” – 76 090 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Мусокулов Рустам Комиловичга:

“Ёқлаганлар” – 0 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Хакимов Шахруз Шухратовичга:

“Ёқлаганлар” – 76 090 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Хусаинова Кундузхон Равшонбековнага:

“Ёқлаганлар” – 76 090 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Ахманов Одилбек Тажибаевичга:

“Ёқлаганлар” – 285 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Алламова Диляра Юлдашевнага:

“Ёқлаганлар” – 109 830 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

**“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. Мусаходжаев Ориф Шухратович – “Ўзпахтасаноат” АЖ мутахассиси;
2. Нигманова Шахноза Абдуллаевна - “Ўзпахтасаноат” АЖ мутахассиси;
3. Бойқулов Эгамберди Мусурмонқулович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бўлим бошлиғи;
4. Наимов Фуркат Рискулович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бўлим бошлиғи;
5. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна – “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иктисодчиси;
6. Хакимов Шахруз Шухратович – “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси;
7. Алламова Диляра Юлдашевна – “А Камолиддин А” Фермер хўжалиги раҳбари.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 65 220 дона акция эгаси “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

1. Отабаев Нурали Шерали Ўғли - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси;
2. Бабаджанов Атабек Эркинбоевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси;
3. Абдуллаев Абдулла Хамидуллаевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

**“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. Отабаев Нурали Шерали Ўғли - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси;

2. Бабаджанов Атабек Эркинбоевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси;

3. Абдуллаев Абдулла Хамидуллаевич - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ мутахассиси.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича** жамиятнинг бош директори Б. Сапаниязов сўзга чиқиб, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш заруриятига кўра жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Янги ташкилий тузилма Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Холмуродов сўзга чиқиб, жамиятда 2018 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
-----	-------------------------------	---------------------------	---	--



1	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	27.04.2018й. №32/18	9 000,0	10 000,0
2	“Audit-hisob markazi” МЧЖ	26.04.2018 йил №03	10 000,0	
3	“UHY Tashkent” LLC	17.05.2018 йил ракамсиз	7 800,0	
4	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	26.04.2018 йил №01/276	9 000,0	12 000,0
5	“KONSAUDITIONFORM” AGENTLIGI МЧЖ	21.05.2018 йил №51/4	8 000,0	9 000,0
6	“PROGRESS AUDIT” МЧЖ	28.05.2018 йил №50/2018		5 000,0

Муҳокама давомида жамият акциядори О. Ахманов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган 6 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорлардан 2018 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. 2018 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “UHY Tashkent” LLC аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 7 800 000 сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 5 000 000 сўм белгилансин.

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**



-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзни жамиятнинг Бош директори Б. Сапаниязовга берди.

Б. Сапаниязов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорида пахта тозалаш корхоналари томонидан 2017-2018 йиллар якуни бўйича ҳисобланадиган дивидендларни капиталлаштириш белгиланганлиги ҳақида маълумот берди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав капитали 623 434 500 сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 4 875 сўм бўлган 127 884 дона оддий акцияларга бўлинган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони ва номинал қиймати белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Б. Сапаниязов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сонини 1 278 840 дона оддий ва имтиёзли акция ва номинал қийматини 4 875 сўм миқдоридан белгилаш бўйича ўз таклифини киритди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан жамиятнинг эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони 1 278 840 дона оддий акция ва номинал қиймати 4 875 сўм миқдоридан белгилансин**





**2. Жамият жойлаштирилган акцияларга кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори ўзгарганлиги сабабли, жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.**

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси билан таништирди.

Бундан сўнг, жамият Бош директори Б. Сапаниязов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармогини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори қабул қилинганлиги ва жамият жойлаштирилган акцияларга кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори ўзгарганлиги муносабати билан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

- 1. Жамият янги таҳрирдаги устави 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**
- 2. Жамият ижроия органи раҳбарига:  
-қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.**

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлари билан таништирди ва уларни тасдиқлаш таклифини киритди .

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:



1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар 4-, 5- 6 ва 7-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Қ. Гоипов сўзни жамият тафтиш комиссияси раиси Н. Отабаевга берди.

Н. Отабаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Гоипов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Қ. Гоипов сўзни жамият бош директори Б.Сапаниязовга сўз берди.

Б. Сапаниязов жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – “УРГАНЧ-АУДИТ” АТ МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2018 йил 31 майдаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида камчиликлар аниқланган ва



Жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси – 468 баллга баҳоланган, яъни “қониқарли” деб эътироф этилган (хулоса илова қилинади).

Бундан сўнг, кузатув кенгаши аъзоси К. Хусаинова сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “УРГАНЧ-АУДИТ” АТ МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**- 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки ҳафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган чора-тадбирларни киритсин.**

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Холмуродов сўзга чиқиб, акциядорларни “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2018-2022 йилларда ривожлантириш стратегияси билан таништирди ва мазкур стратегия умумий тарзда жамиятнинг мавқеини мустаҳкамлаш, миждозларнинг талабларини қондириш ҳамда жамият олдида қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режаси ҳисобланишини маълум қилди.**

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорлардан “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2018-2022 йилларда ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:



1. “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2018-2022 йилларда ривожлантириш стратегияси 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда жамият кузатув кенгашига ҳисобот берсин.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Холмуродов сўзга чиқиб, жамият томонидан 2017 йил 17 февралда “YANGIBOZOR TUMANI AGROMONITORING MARKAZI” МЧЖга киритилган таъсис улуши 32 545 306 сўмгача, яъни устав фондининг 42,4%гача камайтирилганлигини маълум қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга жамият томонидан “YANGIBOZOR TUMANI AGROMONITORING MARKAZI” МЧЖга киритилган таъсис улушлардаги ўзгаришларни маъқуллаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан “YANGIBOZOR TUMANI AGROMONITORING MARKAZI” МЧЖга киритилган таъсис улуши 32 545 306 сўмгача, яъни устав фондининг 42,4%гача камайтирилганлиги маъқуллансин.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Холмуродовга берди.

С. Холмуродов жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди (рўйхат илова қилинади).

Муҳокамада жамият Бош директори Б. Сапаниязов иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2017 йил давомида жами 227 280 700 сўмлик хомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқланишини ҳамда жамият харажатиغا олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.





Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва бегараз ёрдамлар рўйхати 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жамият харажатига олиб борилсин.**

**Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов сўзни жамият Бош директори Б. Сапаниязовга берди.

Б. Сапаниязов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2018 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик қарздорликлари мавжуд эмас ҳамда уч йил ичида талаб қилиб олинмаган 44 151 сўмлик дивиденд бўйича кредиторлик қарздорлик мавжудлиги ҳақида маълумот берди (хулоса илова қилинади).

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 51-моддасида эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарориға кўра жамият ихтиёрида қолиши кўрсатилган.

Муҳокамада йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи Қ. Ғоипов акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 82 947 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликлари 11-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўриш;**

**- барча турдаги харажатлар қисқартирилишига эришиш юклатилсин.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Қ.Ғоипов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.



Йиғилишда раислик қилувчи: Қ. Ғоипов

Йиғилиш котиби: У. Саидаматов

Йиғилиш баённомаси 2018 йил 16 июль куни икки нусхада тузилди.

